

UDK: 633.51; 632.9; 632. 934;632. 937;634.58

ҒЎЗА ВА ДУККАКЛИ ЭКИНЛАР БИОТИПИДА ТРИПСНИНГ ЗИЧЛИГИ

Сатторов Асқар Бутаёрович, б.ф.н., Хўжаев Мансур Мустафо ўғли,

Жўраев Бахридин Хушбақович: Ўсимликлар карантини ва ҳимояси ИТИ

Сурхондарё минтақавий филиали катта илмий ходими.

Abstract: *In this article, the results of scientific research on the development and density of thrips in cotton fields and later generations of thrips in leguminous crops such as peanuts and mash planted in late periods are described in this article.*

Key words: *Biotype, peanut, mosh, thrips, region, pest, cotton.*

Кирриш: Сурхондарё вилоятида ҳар йили 72 000 гектар майдонда ғўза ва 40 000 гектардан ошиқ майдонларда такрорий экин сифатида ерёнғоқ ва мош экинлари экилиб парвариш қилиниб ҳосил олинмоқда.

Охирги йилларда ғўза майдонларда трипс зараркунандасининг зичлиги кескин ортиб кетиши ва зарар белгилари вегетация охиригача давомий бўлиши ҳолати кузатилиб келинмоқда. Ғўзада олиб борилган илмий-кузатув ишларимиз асосида маълум натижасига ҳам эришилди. Лекин, трипс зараркунандасининг кечки экинларга миграция (кўчиши) си, тарқалиш даражаси, ривожланиши зичлигидаги ўзгаришларни ўрганиш долзарб вазифа бўлиб қолмоқда.

Тамаки трипси (*Thrips tabaci* Lin.) Пуфак оёқлилар (*Thysanoptera*) туркуми, трипслар (*Tripidae*) оиласига мансуб ҳашаротдир. Трипснинг етук зотлари ва личинкалари асосан ўсимликлар баргларида ўрнашиб олиб, унинг шираси билан озиқланади ва шикастлайди. Трипслар таъсирида баргларидаги хлорофилл миқдори 18-44 % гача камайиб кетиши илмий адабиётларда қайд қилинган. Оқибатда ўсимликларда моддалар алмашинуви жараёни бузилиб, ҳосилдорлик кескин камайиб кетиши мумкин.

Тажриба манзили: Тажрибалар Ўсимликлар карантини ва ҳимояси илмий-тадқиқот институти Сурхондарё минтақавий филиали тажриба даласида экилган ғўза майдонларида, Термиз тумани “Намуна” ҳудудида такрорий экин сифатида

экилган мош экинида ва Жарқўрғон тумани “Оқ тепа” худудида такрорий ерёнғок экилган майдонларда олиб борилди.

Тажриба усуллари: Тадқиқотларни бажаришда Ш.С. Муҳаммадалиев, Б.А. Сулаймонов, М.И.Рашидов (2002) ларнинг таклиф этган усулларидадан фойдаланилди.

Тадқиқот натижалри: кузатув ишлари ғўза, ерёнғок ва мош экинларнинг чинбаргли давридан ўсув даврининг гуллаш- ҳосил тугиш давригача давом эттирилди ва намунадаги ўсимликлар барглариининг зарарланиш даражаси ва трипс сони ҳисоб қилиб борилди. Экин турлари бўйича трипснинг тарқалиши қуйидагиларни ташкил этди. Ғўза чигити жорий йилнинг апрель ойи ўрталарида экилган бўлиб, қишлоvdан чиққан трипснинг дастлабки авлодлари унинг ниҳоллик давридаёқ уруғпалла ва ўсув нуқталарида учраб бошлади. Ўсимликда чинбарглар шакллангандан бошлаб уларнинг сони кўпая бошлади.

Ўрганилган барглар тўлиқ зарарланганлиги ва битта баргдаги трипснинг ўртача сони баҳорги кузатувдаги энг юқори кўрсаткич, яъни 9,3 донани ташкил этди. Ғўзанинг кейинги рвожланиш фазаси, яъни, шоналаш давридан бошлаб барглариининг трипс билан зарарланиши даражаси камайиб (43,2 %) бошлаганлиги ва битта баргдаги ўртача трипс сони эса 4,3 донга бўлганлиги кузатилди. Ғўзанинг қийғоч гуллаш даврида, яъни, июль ойида ўсимликларнинг трипс билан зарарланиши даражаси ва зичлигида кескин пасайиши намоён бўлди ва битта баргдаги ўртача трипс сони атиги 1,3 донани ташкил қилди. Лекин, август ойининг биринчи ўн кунлигидан бошлаб, трипс онтогенезининг пушторлик белгисида кескин ўзгариш намоён бўлиб, август ойининг иккинчи ва учинчи ўн кунлиги охирида унинг сони тез суръатларда ошиб кетиши кузатилди. Ҳисобот кунида намунадаги барча ўсимликларнинг зарарланганлиги аниқланди ва битта баргдаги ўртача трипс сони 134,3 донани ташкил этди. Унинг ўсимликдаги зарар белгиси барглариининг орқа томони ўзига хос кумушсимон товланиб, барг пластинкаси буралиб, ички томонга қайрилиб қолиши ва ҳатто айрим барглариининг қовжираб қуриб қолиши тарзида кузатилди.

Ғўза, ерёнғок ва мош экинларида трипснинг тарқалиши

Экин тури	Экилган санаси	Ўсимликларнинг ривожланиш фазалари ва ҳисобот кунларида трипснинг тарқалиш даражаси ва зичлиги.							
		Чинбарг		Шоналаш		Гуллаш		Гуллаш ҳосил тугиш	
		Ўсимлик зарарланиши, %	1та баргдаги трипс сони, дона	Ўсимлик зарарланиши, %	1та баргдаги трипс сони, дона	Ўсимлик зарарланиши, %	1та баргдаги трипс сони, дона	Ўсимлик зарарланиши, %	1та баргдаги трипс сони, дона
Вўза	14.04.2024.	100	9,3	43,2	4,3	0,9	1,3	100	134,3
Ерёнғоқ	03.07.2024.	10,3	1,8	12,8	2,6	20,8	3,6	36,6	3,4
Мош	07.07.2024	43,7	4,8	62,6	6,5	75,4	8,9	100	12,4

Трипс зараркунандасининг ёзги авлодларининг ривожланишини ўрганиш такрорий экин сифатида июль ойининг биринчи ўн кунлигида экилган ерёнғоқ ва мош экинлари биотибида давом эттирилди.

Жумладан, ерёнғоқнинг дастлабки ривожланиши, яъни, чинбарглик ва шоналаш-гуллаш фазаларида трипс зараркунандасининг зичлиги юқори бўлмаслиги кузатилиб, битта баргдаги ўртача сони мос равишда 1,8 ва 2,6 донани, намунадаги баргларнинг зарарланиш даражаси эса 10,3 ва 12,8 фоизни ташкил этди. Ўсимликлар қийғоч гуллаган ва гуллаш- ҳосил тугиш даврида баргларнинг зарарланиш даражасида ўсиш (20,8 ва 36,5 фоиз) кузатилиб, унинг зичлигида эса кескин кўпайиш ҳолати (3,6 ва 3,4 дона) қайд қилинмади.

Уларининг зичлиги деярли барқарор сақланиб қолди.

Мош экин майдонларида эса трипснинг ривожланиши, ўсимликларни зарарлаш даражаси ва зичлигидаги тафовут ерёнғоққа нисбатан юқори бўлганлиги қайд этилди. Ўсимликларнинг дастлабки чинбарглик даврида трипс зичлиги 4,8 донани, гуллаш даврида 6,5 донани ва гуллаш-ҳосил тугиш давридаги ҳисобот (30.08.2024. й) кунда эса битта баргдаги ўртача трипс сони 12,4 донани ташкил этди. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки мош экинида трипснинг кенг тарқалиши кузатилди. Уларнинг зарарлаш даражаси чинбарглик фазасида 43,7 фоиз ўсимликларда кузатилган бўлса, гуллаш фазасидан бошлаб кўпая (75,4 фоиз) бориб август ойининг учинчи ўн кунлигига келиб намунадаги ўсимликларнинг барчаси зарарланганлиги аниқланди.

Хулоса: Трипсининг тарқалиш ва зичлиги ғўза, ерёнғоқ ва мош экинларида бир-биридан кескин фарқ қилсада, зарарланиш даражаси ва сон жиҳатидан иқтисодий зарар меъёр мезонидан анча юқори бўлиши кузатилади. Олинган натижалар ушбу зараркунандага қарши биологик курашда энтомофагларнинг меъёрий нисбатини тўғри белгилашда муҳим аҳамиятга эга бўлиши мумкин.

Фойдаланган адабиётлар

1. Хўжаев Ш.Т., Сулаймонов О.А. Умумий ва қишлоқ хўжалик энтомологияси ҳамда уйғунлашган химоя қилиш тизимининг асослари. – Тошкент. - 2019. – 376 б.
2. Хўжаев Ш.Т., ва бошқалар. Ғалладан кейин экиладиган ўриндош экинларни зараркунандалардан химоя қилиш бўйича тавсиялар. – б 78-84.
3. Муҳаммадалиев Ш.С., Сулаймонов Б.А., Рашидов М.И. Экинлар зарарли организмлари ривожланиши ва тарқалишининг башорати.- Тошкент.- 2002.-142 б.